

2-мавзу: Жамият тараққиётининг ғоя, мафкуралар билан ўзаро боғлиқлиги

Режа:

1. «Ғоя» тушунчаси, унинг моҳияти ва мазмуни.
2. Ғояларнинг намоён бўлиши ва хилма-хил кўринишлари.
3. «Мафкура» тушунчаси, унинг моҳияти.
4. Мафкуранинг намоён бўлиш хусусиятлари.

Ғоя – инсон тафаккурида
вужудга келадиган, ижтимоий
характерга эга бўлган,
руҳиятга кучли таъсир
ўтказиб, жамият ва одамларни
ҳаракатга чорлайдиган,
мақсад-муддао сари
етаклайдиган кучли, теран
фикр.

Ғоянинг хусусиятлари

1. Ғоя инсон тафаккурининг маҳсулидир.
2. Ғоя олдин мавжуд бўлмаган ўзида янгиликни ташувчи фикрдир.
3. Олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади.

Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига кўра ғояларнинг турлари

1. илмий ғоялар;
2. фалсафий ғоялар;
3. диний ғоялар;
4. бадий ғоялар;
5. ижтимоий-сиёсий ғоялар;
6. миллий ғоялар;
7. умуминсоний ғоялар ва ҳақозо.

БУНЁДКОРЛИК ҒОЯЛАРИ

```
graph TD; Title[БУНЁДКОРЛИК ҒОЯЛАРИ] --- Line(( )); Line --- O1[ОЗОДЛИК]; Line --- O2[МУСТАҚИЛЛИК]; Line --- O3[ТИНЧЛИК]; Line --- O4[АДОЛАТ]; Line --- O5[ТЕНГЛИК]; Line --- O6[ҲАМКОРЛИК]; Line --- O7[ДЎСТЛИК]; Line --- O8[БИРДАМЛИК]; Line --- O9[ҲУРФИКРЛИК]; Line --- O10[МАЪРИФАТПАРВАРЛИК]; Line --- O11[БАҒРИКЕНГЛИК]; Line --- O12[ХАЛҚПАРВАРЛИК]; Line --- O13[ВАТАНПАРВАРЛИК]; Line --- O14[ИНСОНПАРВАРЛИК]; Line --- Summary[БУНЁДКОР ҒОЯЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ, ЖАМИЯТ ВА ИНСОННИ ЭЗГУЛИККА УНДАЙДИ.];
```

ОЗОДЛИК

МУСТАҚИЛЛИК

ТИНЧЛИК

АДОЛАТ

ТЕНГЛИК

ҲАМКОРЛИК

ДЎСТЛИК

БИРДАМЛИК

ҲУРФИКРЛИК

МАЪРИФАТПАРВАРЛИК

БАҒРИКЕНГЛИК

ХАЛҚПАРВАРЛИК

ВАТАНПАРВАРЛИК

ИНСОНПАРВАРЛИК

**БУНЁДКОР ҒОЯЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ,
ЖАМИЯТ ВА ИНСОННИ ЭЗГУЛИККА УНДАЙДИ.**



ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР

МУСТАБИДЛИК

БОСҚИНЧИЛИК

ТЕРРОРЧИЛИК

ВАТАНСИЗЛИК

ИРҚЧИЛИК

ЁВУЗЛИК

МИЛЛАТЧИЛИК

АҚИДАПАРАСТЛИК

МАҲАЛЛИЙЧИЛИК

ЖАҲОЛАТПАРАСТЛИК

**ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР ЖАМИЯТ, ХАЛҚ ВА ДАВЛАТ-
НИНГ ТАНАЗЗУЛИГА САБАБ БЎЛАДИ,
ҒАЙРИИНСОНИЙ МАҚСАДЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.**



Мафкура арабча сўз бўлиб
таржимаси фикрлар мажмуи
деган маънони билдиради.
Лекин Мафкура сўзи илмий
атама сифатида бундан анча
кенгроқ маънони билдиради.



Мафкура – муайян ижтимоий
гуруҳ, қатлам, миллат,
жамият, давлат манфаатлари,
орзу-истак ва мақсад-
муддаолари ифодаланган
ғоявий-назарий қарашлар ва
уларни амалга ошириш
ТИЗИМИ.

Ягона мафкура ҳукумронлигининг жамият ҳаётида зарарли оқибатлари:

- Шахс эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигига муросасизлик, миллатнинг ўзлигини инкор этиш, миллий ва диний қадриятларни рад этиш, миллийликни чеклаш, мутлоқ ҳақиқатни даъво қилиш, зўравонликка асосланганлиги, мутелик, қарамлик, боқимандалик, лоқайдлик, миллий маҳдудлик, сиёсий ташаббуссизлик, ўзга ғояларга ётқараш, жамиятнинг маънавий инқироzi, тарихий хотирасизлик, она тилига писандсизлик билан қарашда яққол намоён бўлади.

ғоявий бұшлиқ эски мустабид
тузумдан янги тузумга ўтиш
жараёнида олдин ҳукмронлик
қилиб келган мафкура ўз
мавқеини йўқотгач, тараққиёт
талабларига мос равишда унинг
ўрнини босадиган илғор ғоявий
тизимнинг ҳали тўлиқ
шакланмаган ҳолатидир.

мафкура дунёсида бўшлиққа
йўл қўйиб бўлмаслиги, шундай
ҳолат юз берган тақдирда бўш
қолган мафкура майдонидан
бизга бегона, орзу-
интилишларимизга мутлоқ ёт
ғоялар ўрин эгаллашга
уриниши шубҳасиз.

Юксак мақсадлар, бунёдкор ғояларга
асосланган мафкуралар ижтимоий-
иқтисодий тараққиётга туртки бўлади,
маънавиятни юксалтиради,
инсонларни улуғвор ишларга
сафарбар этади. Озодлик, эркинлик,
мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик
ғоялари асосида шаклланган, эзгу
мақсадларга хизмат қиладиган
мафкуралар бунёдкорлик хусусиятга
эга бўлади.

Вайронкор ғоялар асосида
шаклланган мафкуралар эса
жамият тараққиётига ғов бўлади,
миллат ва халқларни асоратга
солади. Бундай мафкуралар, ўз
мазмун-моҳиятига кўра, ҳукумрон,
мустабид, тажовузкор,
босқинчилик, экстремистик,
ақидапарастлик шаклларида
намоён бўлади.

Вайронкор мафкураларнинг кўринишлари

- Большевизм
- Фашизм
- “Расизм”, Ирқчилик таълимоти
- Терроризм (лот. Terror – қўрқув, даҳшат)
- Буюк давлатчилик шовинизми
- Диний ақидапарастлик
- Диний экстремизм

Мафкуралар маъно- моҳиятига кўра, фалсафий, дунёвий, диний ва бошқа турли таълимотлар асосида яратилади. Хилма-хил ижтимоий-сиёсий кучлар ўз мафкураларини яратишда сиёсий ғоялар билан бирга, диний оқимлар ва илм-фан ютуқларига таянади, улардан назарий асос сифатида фойдаланади.